

## Куфалик йигит



17:10 / 30.05.2019 5957

Ҳабиб Ажамий айтади: «Намоз ўқиш учун Куфадаги масжидга кирдим. Қарасам, озғин бир йигит ўтирган экан. Кўринишидан кўп ибодат қилгани билиниб турарди. Мендан нимадир сўраса, деган умид билан «Нима истайсиз?» дедим. У: «Солиҳ Маррийнинг ўн оят қироат қилиб беришини, ўша қироатни тинглашни истайман. Бир марта унинг тиловатини эшитганман» деди. Басрага бориб, Солиҳни сўрадим. Топиб, бўлган гапни унга айтдим. У илтимосни ерда қолдирмай, дарҳол Куфага келди. Ўша масжидга кириб, қироат қилишга киришди.

نَوَّلَ اسْتَيْ آلَ وَ ذِي مُوَيِّ مُهَنْبِي بَبَّاسِنَا الْفِرْوَصِلَا يِفْ خَفُنْ إِذِاف

**«Бас, қачонки сурга пуфланганда, у кунда ораларида на насаб қолур ва на бир-бирларини суриштирурлар».** (Яъни, қиёматдан дарак бергувчи сурга пуфланган пайтда ҳар ким ўзи билан овора бўлиб, одамлар

орасида наслу насаб алоқалари қолмас. Балки ҳамма отаси, онаси, ака-укаси, бола-чақасидан қочадиган бўлиб қолади).

نُوحٍ لِّمَنْ أَهْلًا مَّكَّةَ وَوَأْفُهُنَّ زَاوَمٌ تَلْقَوْتَنَّ مَفَ

«Кимнинг мезонлари оғир келса, бас, ана ўшалар, ўзлари нажот топгувчилардир».

نُودِلَاحَ مِّنْهَجِّ يَفْمُهَسُفَنَ أَوْرَسَخَ نِيْدَالِ كَيْلُ وَأْفُهُنَّ زَاوَمٌ تَفَخَّ نَمَو

«Кимнинг мезони енгил келса, бас, ана ўшалар, ўзларига зиён қилибдилар. Жаҳаннамда абадий қолгувчи бўлибдилар».

نُوحِ لِّكَ أَهْيَفْمُهُو رَأْنَالِ أْمُهَهُوْجُ وَحَفَلَت

«Юзларини олов куйдирур. Улар унда бадбашара ҳолда бўлурлар».

نُوبِّدَكُتْ أَوْب مُتْنُكَفْمُ كَيْلَعَى لَتُتْ يَتَايَ أَنْكَتْ مَلْ

“Сизларга оятларим тиловат қилинган эмасмиди?! Бас, сиз уларни ёлғонга чиқарган эмасмингиз?!” (Шунда улар ўз айбларига иқроор бўладилар).

نِيْلَاضَ أَمْوَقَ أَنْكَوْ أَنْتَوْوَقْشَ أَنْيَلَعَتْ بَلَعْ أَنْبَرِ أَوْلَاق

«Улар: «Эй Роббимиз, бадбахтлигимиз ўзимиздан устун келиб, залолатга кетган қавм бўлган эканмиз».

نُومَلِاطْ أَنْفِ أَنْدُعْ نِإْفِ أْهَنْمَ أَنْجَرْحَ أَنْبَرِ

«Эй Роббимиз, бизни бу (дўзах)дан чиқаргин, агар яна (эски ҳолимизга) қайтсак, бас, албатта, золимлардан бўлурмиз», дерлар».

نُومَلَكُتْ أَلْوَ أَهْيَفِ أَوْوَسْخَ أَلْاق

«У зот: “У(ер)да хор бўлиб қолаверинг ва Менга гапирманг!»

(Муъминун сураси, 101–108-оятлар) оятларини тиловат қилди. Шу жойга етганда, йигит қаттиқ изтиробга, ҳаяжонга берилди. Ҳаяжони кучайиб, ўзини тутолмай ерга йиқилди-ю, жони узилди.

Йигитнинг ҳовлиси Масжид эшигининг рўпарасида эди. Шу пайт бир кекса аёл қўлида таом билан келиб қолди. У аёл йигитнинг онаси экан. Ўғлининг

ётганини кўриб, «Ўғлимга нима бўлди?» деб сўради. Солиҳ Маррий онахонга бўлган воқеани айтиб берди. Аёл ундан: «Эҳтимол, сен Солиҳ Маррий бўлсанг керак?!» деб сўради. Солиҳ «Ҳа, шундай» деди. Шунда аёл: «Ўғлимнинг орзусини амалга оширганингдек, Аллоҳ сенинг орзуингни рўёбга чиқарсин! Ўғлим доим Аллоҳ аzza ва жалладан сени сўрарди» деди.

Воқеани ҳикоя қилаётган Ҳабиб Ажамий айтади: «Йигитни жанозага тайёрлаган, тобутини кўтарган, дафн қилингунича иштирок этганлар орасида мен ҳам бор эдим. Аллоҳ таоло уни раҳматига олсин!».